


Аллоҳнинг исмлари билан хулқлан



12:30 / 08.01.2022 2281

Доктор Аҳмад Даманхурий айтади: «Устозинг сени қабул қилади ва тавозе кўрсатади. Сендаги баъзи ёмон одатларни ҳам токи сени ислоҳ бўлишинг ва қалбинг яхшиланиши, ўнгланишини умидила қабул қилади. Энди сен унинг йўл-йўриқ ва кўрсатмаларига амал қилмасанг, шунда ҳам у сенга шафқати кучли эканидан иқобга тутмайди. Фақат сени йўлловсиз тарк этади ва сен танлаган нарсанг устида қолдиради, тарк этади.

Устозинг сенга риоя қилишини шундоқ давом этади, деб ўйлама. Биз баъзи китобларда ўқиганмизки, баъзи одамларни ўзини ўзига ташлаб, ўзи билан овора қилиб қўйиши ҳам Аллоҳнинг уқубатларидан биридир. Яна уқубатларидан бири, халқи дуо қилса бепарво бўлишидир. Дўзах аҳлининг талабларини ижобат қилмаслиги ҳам уқубатидир.

Шайхинг, яъни устозинг агар раббоний олим бўлса, у ҳақиқат узрадир. Чунки у Аллоҳнинг исми билан хулқлангандир. У ушлайдиган бўлса, Аллоҳнинг ёрдами билан ушлайди. Кўрадиган бўлса, Аллоҳнинг кўмагида кўради. Устозингни сенга нисбатан муомаласи, Аллоҳнинг муомаласининг айна ўзидир, агар сен буни басират кўзи билан кўриб, ҳис қилсанг.

Устозинг сени тек қўйиб, жазоламаяпти деган ҳаёлга борма! Балки ўзинг билмаган ҳолда ўзингни ўзинг жазоламоқдасан.

Илм аҳлининг одоби билан хулқланинглари. Уларга қарши чиқманг, уларга тенгма-тенг муомала қилманг. Улар сизлардан содир бўлган ёмон одобни мувофиқ ёки иқрор ҳолда эмас, балки сабр-бардош қилган ҳолда қабул қиладилар. Улар халойиқга раҳмдил ва шафқатлидирлар. Агар уларга бир қарич яқинлашсанг, улар сенга бир қулоч яқинлашадир. Ахир мен сенга уларни «Аллоҳнинг исмлари билан хулқланишган», деб айтмадимми?!».

Манба: arabic uz